



О'zbekiston respublikasi vazirlar mahnamasining qarori

20 20 yil « 30 » oktyabry

№ 681

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4794-сон қарори ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4794-сон қарори 5-бандига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси хузурида Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кенгашининг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О.М. Умаров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “30” октябрдаги 68-сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини
ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини
қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма юридик шахс ҳисобланмайди ва унинг маблағлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси М.Т. Ўрзбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигида алоҳида очилган шахсий газна ҳисобварақларида йигилади.

2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш

3. Куйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари ҳисобланади:

республика бюджетидан амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурлари учун ажратилган грант маблағлари;

Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоб-китобларига асосан республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг техник кўмак маблағлари ва грантлари;

Жамғарманинг бўш маблағларини тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Куйидагилар Жамғарма маблағлари сарфланадиган асосий йўналишлар ҳисобланади:

сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги илмий тадқиқотларга кўмаклашиш, тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш учун грантлар ажратиш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини амалга ошириш, шунингдек, конференциялар, семинарлар ва

бошқа тадбирларни, шу жумладан, хорижий мамлакатларда ташкил қилиш ва уларда иштирок этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш;

илемий лабораторияларни зарур асбоб-ускуналар, ҳисоблаш техника воситалари ҳамда бутловчи материаллар билан таъминлаш ва уларни ўрнатиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш;

республика аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш соҳасига рақамлаштирилган технологияларни жорий этиш, сейсмик чидамли курилиш бўйича миллий дастурларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган харажатларни молиялаштириш;

сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш учун масъул давлат органлари ва ташкилотларининг соҳага оид фаолият йўналиши бўйича моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

республиканинг сейсмик фаол ҳудудида жойлашган мавжуд бино ва иншоотларнинг электрон техник паспортларини шакллантириш жараёни билан боғлиқ бўлган харажатларни молиялаштириш;

юксак илемий натижаларга эришган ва фан ривожига муносиб ҳисса қўшган олимларни, шу жумладан, ёш илемий ходимларни қўллаб-қувватлаш.

5. Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизлигини таъминлаш соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кенгаши (кейинги ўринларда – Кенгаш) томонидан тасдиқланган Жамғарманинг даромад ва харажатлари йиллик параметрларига мувофиқ харажат қилинади.

6. Жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмаган маблағлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига олиб қўйилмайди ва улардан кейинги йилда фойдаланилади.

3-боб. Жамғарма фаолиятини ташкил этиш

7. Жамғарма маблағларини бошқариш Кенгаш томонидан амалга оширилади.

Кенгаш таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

8. Жамғарма маблағларини тасарруф этувчиси Кенгаш раиси ҳисобланади.

9. Жамғарма маблағларини шакллантириш ва сарфлаш Кенгаш қарори асосида амалга оширилади.

Кенгашнинг қарори Кенгаш мажлисининг баёни билан расмийлаштирилади.

10. Кенгашнинг мажлислари раис томонидан ўтказилади.

11. Кенгашнинг мажлислари заруратга қараб ўтказилади.

12. Кенгашнинг мажлиси унда Кенгаш аъзолари умумий сонининг 70 фоизидан ортиғи иштирок этса, ваколатли ҳисобланади.

13. Кенгаш қарорлари овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Кенгашнинг қарори мажлисда иштирок этган аъзоларнинг кўпчилиги овоз берган тақдирда, қабул қилинган ҳисобланади. Овозлар teng бўлган тақдирда, Кенгаш раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Кенгаш котиби овоз бериш ҳукуқига эга.

14. Кенгаш:

Жамғармага умумий раҳбарликни амалга оширади ва унинг фаолиятини назорат қиласди;

Жамғарманинг даромад ва харажатлари йиллик параметрлари, уларнинг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисботларни, шунингдек, Жамғармага юклатилган вазифаларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисботларни тасдиқлади;

Жамғарманинг йиллик иш режа ва дастурларини тасдиқлади;

Жамғарма маблағлари ҳисобидан алоҳида тадбирларни молиялаштириш тартибини белгилайди;

Жамғармага хорижий инвестициялар, грантлар ҳамда хомийлик хайрияларини жалб қилишда кўмаклашади;

Жамғарма фаолиятига таалуқли масалаларни кўриб чиқади ва улар бўйича қарорлар қабул қиласди;

Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Кенгаш аъзолари Жамғармани бошқариш бўйича фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширадилар.

15. Кенгашнинг ишчи органи Вазирлар Маҳкамасининг IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти (кейинги ўринларда – Ишчи орган) ҳисобланади.

Ишчи орган:

Жамғарманинг даромад ва харажатлари йиллик параметрларини тайёрлайди ва Кенгаш мажлисларида кўриб чиқиш учун киритади;

Жамғарманинг даромад ва харажатлари йиллик параметрларига ўзгартиришлар киритиш ҳамда Жамғарма маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлайди ва Кенгаш мажлисларида кўриб чиқиш учун киритади;

Жамғармадан маблағ ажратишга оид мурожаатларини умумлаштиради ва зарур таҳлилий материаллар билан бирга Кенгаш мажлисларида кўриб чиқиш учун киритади;

Жамғарманинг тушумлар манбалари бўйича даромадлари ва асосий харажатлар йўналишлари бўйича ҳисботларни тайёрлайди ҳамда ҳар чорак якуни бўйича Кенгашга кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тақдим этади;

Кенгаш мажлислари баёнларини расмийлаштиради ва сақлади;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали сарфланишини назорат килади.

**4-боб. Жамғарманинг маблағларини ҳисобга олиш
ва ҳисоб-китобини юритиш**

16. Жамғарма маблағларининг ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси М.Т. Ўрзбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтининг Бухгалтерияси томонидан белгиланган тартибда юритилади.

17. Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланиш учун масъулият Ышчи орган зиммасига юклатилади.

18. Жамғарма ўз фаолиятида Вазирлар Маҳкамасига бўйсунади ҳамда белгиланган муддатларда ҳисобот беради.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

19. Жамғармани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

20. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “30” октябрдаги 681-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини
ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини
кўллаб-қувватлаш жамғармаси кенгашининг
ТАРКИБИ**

- | | |
|----------------------|---|
| 1. О.М. Умаров | — Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг
маслаҳатчиси – ИТ-технологиялар,
телеқоммуникациялар ва инновацион
фаолиятни ривожлантириш масалалари
департаменти бошлиғи, <i>Кенгаши раиси</i> |
| 2. И.Ю. Абдурахмонов | — инновацион ривожланиш вазири |
| 3. Ш.Р. Хамроев | — сув хўжалиги вазири |
| 4. И.И. Норкулов | — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни
қисқартириш вазирининг биринчи ўринbosари |
| 5. Ш.С.Хидоятов | — қурилиш вазирининг биринчи ўринbosари |
| 6. А.Х. Кулдашев | — фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи
ўринbosари |
| 7. Ж.И. Аbruев | — молия вазири ўринbosари |
| 8. С.З. Мирзаев | — Фанлар академияси физика-математика
ва техника фанлари бўйича вице-президенти |
| 9. Д.А. Бекмирзаев | — Вазирлар Маҳкамаси департаментининг
Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик
мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни
таъминлаш соҳасини мувофиқлаштириш
шўйбаси мудири, <i>Кенгаши котиби</i> |

Изоҳ. Кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу
лавозимга янгидан тайинланган ёки зиммасига тегишили функцияларни бажарии
юкланган шахслар киритилади.

